O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




*Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.*

**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Ижтимоий-сиёсий газета**

№ 35 (739) 2009 йил 21 август, жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## Тошкент шаҳрини "Мустақиллик" ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри "Мустақиллик" ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
*Тошкент шаҳри, 2009 йил 20 август*

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**20 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.**

«Шанхай ҳамкорлик ташкилоти аъзо давлатлари томонидан қўшма аксилтеррор машқларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Битимни (Душанбе, 2008 йил 28 август) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг аъзоси У.Исмоилов маъруза қилди. Давлатлараро ҳужжат ШҲТга аъзо мамлакатларнинг терророчилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, у тарафларнинг машқларда қатнашиши, шу соҳадаги биргаликдаги фаолият билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

(Давоми 2-бетда.)

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига




### ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар хотин-қизларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, банк ва мижоз муносабатлари мавзусига бағишланди.

Тадбирда иштирок этганлар Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқадиган вазифалар ва унинг ижроси масалалари ҳақида фикр алмашишди. Ўз навбатида мамлакатимизда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббуслари учун кенг йўл очиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иш билан таъминлаш каби масалалар муҳокама этилди.

*Тошкент шаҳрида Республика Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Болалик ҳудуди — бўлғуси оналар, болалар ва ўсмирлар учун товарлар ва хизматлар" 2-халқаро ихтисослашган ҳафталик кўргазмаси бўлиб ўтди.*

*Унда юртимиз ҳамда бир қатор хориж корхоналари ўз маҳсулотлари ва замонавий хизматлари билан иштирок этишди. Улар кўргазма қатнашчиларига болалар овқатлари ва кийим-кечаклар тақдим этишди.*

Юртимизда яна бир қўшма корхона — Ўзбекистон — Германия келишувидаги "MAN avto — Uzbekistan"га асос солинди. 2010 йилнинг январь ойига қадар ушбу корхонада дастлабки 10 та автобус йиғилади. 2012 йилдан бошлаб эса қўшма корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 100 тагача етказиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳа тўғрисида тарқатилган хабарларда таъкидланишича, "MAN avto — Uzbekistan" келгусида шаҳар йўналишларига мўлжалланган замонавий автобуслардан ташқари оғир саноат ва қурилиш корхоналари учун зарур бўладиган махсус техникалар — самосваллар, шатакка олувчи машиналар, автокранлар, пармалашда фойдаланиладиган платформаларни ҳам тайёрлашни йўлга қўяди.

**Парламентда**

# Қонун лойиҳалари муҳокамада



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Исмоил Саифназаров олиб борди.

Дастлаб, фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида» Молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ахбороти тингланиб, қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидландики, ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аксарият хорижий мамлакатларда иқтисодий пасайиш кузатилмоқда. Ана шундай бир вазиятда мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат амалиётда ўзини оқлаяпти. Хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида қабул қилинган қарорларни бажариш бўйича амалга оширилаётган аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар иқтисодий пасайиш ва инқирознинг бошқа салбий оқибатларини бартараф этишга кўмаклашибгина қолмай, 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлади. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми саноатда 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалигида 4,6 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,1 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 17,7 фоизга, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми эса 18 фоизга кўпайди.

— «Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашини инобатга олиб, Давлат бюджетининг 2009 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросида асосан, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва бюджет интизомига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди, — деди фракция аъзоси Абдулла Абдуназаров.

(Давоми 2-бетда.)

# Меҳр-мурувват оғушида

### БПТ фаоллари Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар

**Саховат, меҳр-мурувват — халқимизга хос фазилат. Шу боис ҳам мамлакатимизда моддий-маънавий кўмакка муҳтож инсонларга, кам таъминланган оилалар, бева-бечоралар ва етимларга доимий равишда беминнат ёрдам кўрсатилади, улар меҳр-мурувват оғушида. Ана шундай хайрли ишларга "Адолат" социал-демократик партияси фаоллари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар.**

Яқинда "Euroasia insuranse" МЧЖ суғурта компаниясидаги партиянинг бошланғич ташкилоти аъзолари Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан бу ерда тўкин дастурхон ёзилиб, байрам дастури ташкил этилди.

— Болалик — инсон умридаги энг бахтли ва беозор палла, — дейди суғурта компанияси раҳбари, партия аъзоси Раънохон Шомаҳмудова. — Болаларга биз, катталардан кўп нарса керак эмас: озгина эътибор ва яхши сўз бўлса бас.

Партиямизнинг бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган ушбу тадбир оз бўлса-да, ана шу эзгу мақсадга хизмат қилди: болажонларимиз чеҳрасида табассум, бахтиёрлик кўринди. Зеро, улар ҳеч қачон ўзларини ёлғиз ҳис этмасликлари лозим.

Хайрия тадбири давомида партия фаоллари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан дилдан суҳбат қурдилар. Бошланғич ташкилот фаолларининг болажонлар билан кейинги учрашув санаси белгилаб олинди.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**"Adolat" мухбири.**

**Ҳисобот-сайлов конференциялари**

# Фаолиятга танқидий назар

билан қараш, муаммолар ечимига чуқур кириб бориш, шубҳасиз, ўз самарасини беради

**Шу кунларда "Адолат" СДПнинг шаҳар ва туман Кенгашларида ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтмоқда.**

Куни кеча ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар Юнусобод туман партия Кенгаши томонидан ўтказилди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи мажлислар залида бўлган конференцияда туман партия ташкилотининг 2005-2009 йиллардаги фаолияти кўриб чиқилди. Иштирокчилар ўтган беш йил давомида эришилган ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам атрофлича таҳлил қилдилар.

— Ҳисобот даврида аъзоларимиз сони бирмунча ошди, — деди туман партия Кенгаши раиси Нигора Абдураҳимова ўз ҳисоботида. — Масалан, биргина жорий йилнинг ярим йиллигида юз нафар киши сафимизга қўшилиб, жами аъзолар сони 270 нафарга етди. Сўнгги етти ой давомида Кенгашимизнинг фаол аъзолари кўмагида кам таъминланган оилаларга, қаровчисиз қарияларга бир миллион сўмликдан ортиқ маблағга тенг бўлган совғалар тарқатилди, турли хил хайрия концертлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтожларга ёрдам кўрсатилди. Ҳозирда туманда 58 та маҳалланинг ҳаммасида бошланғич партия ташкилотларини тузишни кўзлаб турибмиз.

Шундан сўнг туман партия Кенгашининг "Ёшлар қаноти" раиси Дилхумор Маҳмудова сўзга чиқди. У ўз сўзида "Ёш адолатчилар" сафини кенгайтириш мақсадида янги ўқув йилида туман ҳудудида жойлашган барча олий ўқув юртларидаги талабалар билан турли долзарб мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниши режалаштирилаётганлигини билдирди.

Таъкидландики, партия сафига ёшларни жалб этиш борасида туманда олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас. Шу туфайли ҳам туман аҳолиси салмоғига нисбатан партия аъзолари, хайрихоҳлари сони ҳанузгача камчиликни ташкил этмоқда. Мавжуд бошланғич ташкилотларнинг аксарияти номигагина фаолият юритаяпти. Умуман, туман Кенгаши фаолиятида ташаббускорлик, у ёки бу муаммо ечими хусусида ёхуд электорат манфаати йўлида аниқ таклифлар билан чиқиш деярли кўзга ташланмаяпти. Фаолиятга танқидий назар билан қараш, муаммолар ечимига чуқур кириб бориш, шубҳа йўқки, албатта, ўз самарасини беради, дея таъкидлашди конференция иштирокчилари.

Конференция сўнгида "Адолат" СДП Юнусобод тумани Кенгашининг янги таркиби, раиси ва ўринбосарлари, тафтиш комиссияси ҳамда Тошкент шаҳар партия ташкилоти ҳисобот-сайлов конференциясига делегатлар сайланди.

(Давоми 2-бетда.)

ОБУНА — 2010

**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР, ҚАДРЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!**

"ADOLAT" газетасига 2010 йил учун обуна бўлишга шошилинг!

Шунда у йил бўйи ҳафтада бир мартадан Сизнинг хонадонингиз эшигидан кириб бориб — ҳам меҳмон бўлади, ҳам мезбонлик қилади.

Обуна "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти ва "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компаниясининг жойлардаги бўлимларида расмийлаштирилмоқда.

**"Adolat" доим ҳамроҳингиз бўлсин!**

Нашр индексимиз — 100.

## ХИВА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, таълим соҳаси фидойиларини мамлакатимиз Истиқлолининг 18 йиллиги билан самимий қутлайди.



Озод юртга, обод юртга яхши кунлар, байрамлар ярашади. Бинобарин, мустақиллик йилларида мамлакатимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, жондан азиз Ўзбекистонни обод ва фаровон этиш мақсадида мислсиз ишлар амалга оширилдики, бугун юртимиз жамолини кўриб кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Айниқса, таълим соҳасидаги ислоҳотлар самараси, қўлга киритилаётган ютуқлар кўнгилда мустаҳкам ишонч туйғусини уйғотади. Демакки, юртимиз келажаги порлоқ. Демакки, Истиқлолимиз абадий!

Энг азиз, энг улуғ айёмингиз қутлуғ бўлсин!

## Республика Травматология-ортопедия маркази Самарқанд филиали жамоаси

Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 18 ЙИЛЛИГИ билан чин юракдан муборакбод этади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, оилангизга бахт-саодат, дастурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз. Юртимизда тинчлик-хотиржамлик доимо ҳукм сураверсин.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!



## РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ



*Юртимиз аҳлини энг улуғ ва энг азиз байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 ЙИЛЛИГИ билан табриклайди. Ушбу байрам кунларида Сизларга мустаҳкам соғлиқ, эзгулик, тинчлик ва осойишталик, бахт-саодат ва фаровонлик тилаймиз!*



## ХИВА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Мустақиллигимизнинг 18 ЙИЛЛИК қутлуғ айёмини яхши ниятлар ва улкан ютуқлар билан кутиб олаётган азиз юртдошларимизни, устоз ва мураббийларни, ёш авлодни Истиқлол байрами билан самимий муборакбод этади.*

Барчага байрамона кайфият, бахт-саодат, ишларида улкан ютуқлар тилаймиз. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



## ЯНГИЕР ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Қадрли ватандошлар! Тобора яқинлашиб келаётган мамлакатимиз мустақиллигининг 18 ЙИЛЛИГИ ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 ЙИЛЛИГИ байрамлари қутлуғ бўлсин.*

**Хонадонингиздан қут-барака аримасин! Юрт равнақи йўлидаги бунёдкорлик ишларингиз бароридан келсин!**



НАВҚИРОН ЁШИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

# Янгра, Шарқ таронаси!



*Яна бир неча кундан кейин дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳридаги маҳобатли Регистон майдонида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бошланади. Шоир Усмон Азим сўзи билан айтиладиган фестиваль мадҳияси (бастакор Дилором Омонуллаева) ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида янграйди.*



Ушбу фестивалнинг бир фазилати шундаки, Регистон майдонида янграган тароналар кейинчалик дунё бўйлаб акс-садо беради. Шу ерда куйлаб, ғолиблик шоҳсупасига кўтарилган ватандошларимиз Муножот Йўлчиева, Насиба Сатторова, Абдуҳошим Исмоилов, Дилнура Қодиржонова, Соҳибжон Ниёзов, Абдунаби Иброҳимов, Нодира Пирматова, хорижлик ижрочилар Симара Имарова, Олим Гасимов, Зобит Набизода, Олимжон Бобоев, Озода Ашурова, Шаҳрам Нозирий, Шанну Кхурана, Жаспиндер Нарула, Расмондор, Юн Конг Сан, Се Ли Ин ва бошқаларнинг ижодида Самарқанд учрашувлари жиддий бурилиш бўлди, уларни хонанда ва созанда сифатида эл-юртга янада яхшироқ танитди. Фестиваль сабаб турли мамлакатларда яшаб ижод қилаётган санъаткорлар ўртасида дўстлик риштелари боғланди, ўзаро ижодий гастроль сафарлари юзага келди.

Жаҳон мусиқа санъатининг фаол вакиллари, мусиқашунос олимлар иштирокида еттинчи бор ўтказилаётган бу анжуман бугунга келиб, дунё мусиқа оламининг нуфузли байрамларидан бирига айланди. 1997 йили биринчи марта ўтказилган байрамда жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатларидан келган санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишган бўлса, бу гал иштирокчи мамлакатлар сони элликдан ошиб кетди. Бу сафарги фестивалда Коста-Рика, Қатар, Австралия, Иордания, Мексика, Словакия вакиллари илк марта иштирок этадилар. Айни пайтда энг яхши миллий, фольклор-этнографик ансамбллар Самарқанд сари ошиқишмоқда. Дунёдаги кўплаб оммавий ахборот воситалари "Шарқ тароналари" фестивалини ёритишга ҳозирлик кўришмоқда. Самарқандда уларнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган барча шароитлар яратиб қўйилган. Вилоятнинг кўплаб туманларида, Самарқанд шаҳрида хорижлик меҳмонлар учун катта саҳналар шай бўлиб турибди. Шаҳар марказида ободончилик ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ҳар галгидек, мезбонлар ҳам фестивалга жиддий тайёргарлик кўришди. Хорижлик санъаткорлар Самарқандда нафақат ўз истеъдодларини намойиш этадилар, айни чоғда улар вилоят меҳнаткашлари, мусиқа ихлосмандлари билан учрашадилар, истиқлол йилларида мамлактимизда юз бераётган тарихий ўзгаришларни, бунёдкорлик ишларини кўрадилар.

"Шарқ тароналари" фестивалининг бу галгиси мустақиллигимизнинг 18 йиллиги, жонажон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги билан ҳамоҳанг тарзда ўтказилади. Меҳмонлар таникли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигида тайёрланаётган тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида иштирок этадилар. Катта байрам дастурида мамлакатимизнинг йигирмадан ортиқ таникли бадиий жамоалари, халқ суйган санъаткорлар иштирок этишади. Бу гал ўзбекистонлик санъаткорлар номидан андижонлик хонанда Адолат Қўлдошева ва Элмурод Аҳмедов билан Фурқат Ашуралиевлар дуэти майдонга чиқишади.

**М. АҲМЕДОВ.**

## SPORT, СПОРТ, SPORT

### ШАХМАТ: Қосимжонов пешқадамлар сафида



Собиқ жаҳон чемпиони, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов Арманистоннинг Жермук шаҳрида бўлиб ўтаётган шахмат бўйича ФИДЕ Гран-при мусобақасининг бешинчи босқичида муваффақиятли иштирок этмоқда.

Мусобақанинг саккизинчи турида қора доналарда ўйнаб дуранг натижани қайд этган Рустам Қосимжонов кейинги турда болгариялик шахматчи Иван Чепариновни мағлубиятга учратди. Бу ғалаба ҳамюртимизга турнир жадвалида украиналик Василий Иванчук ва венгриялик Петер Леколар билан биргаликда пешқадамлик қилиш имкониятини яратди. Айни пайтда ҳар учала гроссмейстер ҳисобида ҳам 6 тадан очко бор.

Турнинг қолган барча баҳсларида шахматчилар дуранг натижаларни қайд этишди.

### БОКС: зарба, нокаут ва чемпионлик камари




Остона шаҳрида ташкил этилган профессионал бокс кечасида ҳамюртимиз Ғайрат Аҳмедов WBC йўналиши бўйича Осиё бокс кенгашининг чемпионлик камарини қўлга киритди.

Боксчимизга чемпионлик камари учун ўтказилган жангда профессионал рингда катта тажриба тўплаган кениялик Дуглас Отиено рақиблик қилди. Африкалик спортчи беллашувни кескин зарбалар билан бошлаган ҳамюртимизга етарли қаршилик кўрсата олмади. У иккинчи раундда Ғайрат Аҳмедовнинг кучли зарбасини ўтказиб юборди ва нокаутга учради.

Эслатиб ўтамиз: Ғайрат Аҳмедов профессионал бокс-чилик фаолиятини беш йил муқаддам бошлаган. Ҳозирга қадар ўтказган ўн учта жангдан ўн иккитасида ғалаба қозонган, бир марта дуранг қайд этган. Осиё бокс кенгашининг чемпионлик камари энди ҳамюртимизга жаҳон чемпионлигига даъвогарлик қилиш учун йўл очади.

### ФУТБОЛ: кутилган ва кутилмаган натижалар




Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг 18-тур ўйинлари бўлиб ўтди. Эътиборлиси, мазкур турнинг бир нечта ўйинлари кутилмаган натижалар билан якунланди.

Сешанба куни турнинг битта ўйини ўтказилиб, унда Тошкентнинг "Локомотив" жамоаси Самарқанднинг "Динамо"сини ўз майдонида қабул қилди. Аввалги ўйинда мағлубиятга учраган самарқандлик футболчилар уюшқоқлик билан ҳаракат қилишди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди: 1:2 "Динамо" фойдасига.

Қолган учрашувларда ҳам бир нечта кутилмаган натижалар қайд этилди: «Сўғдиёна» — «Қизилқум» — 0:1, «Металлург» — «Нефтчи» — 0:0, «Навбаҳор» — «Бунёдкор» — 0:3, «Насаф» — «Машъал» — 2:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 2:0, «Андижон» — «Олмалиқ» — 4:2, «Бухоро» — «Шўртан» 1:2.

### ТЕННИС: АТР янги рейтингини эълон қилди



Профессионал теннисчилар ассоциацияси жорий йилнинг 17 августидан эътиборан янги рейтингини эълон қилди.

Айтиш лозимки, рейтингнинг кучли учлигида ўзгаришлар кўзга ташланди. Монреал турниридаги ғалабасидан сўнг Энди Мюррей (Буюк Британия) зарур очколарни жамғариб, испаниялик моҳир теннисчи Рафаэль Надални ортда қолдиришга эришди. У энди рейтингнинг иккинчи поғонасида. Биринчи ўринни эса швейцариялик "ракетка устаси" Рожер Федерер эгаллаб турибди.

Демак, АТР янги рейтингининг кучли ўнлиги қуйидагича кўриниш олган: 1.Федерер (Швейцария) — 11040 очко. 2. Мюррей (Буюк Британия) — 9250. 2.Надаль (Испания) — 8665. 4.Жокович (Сербия) — 7150. 5.Роддик (АҚШ) — 5800. 6.Дель Потро (Аргентина) — 5405. 7.Тсонга (Франция) — 3960. 8.Давиденко (Россия) — 3655. 9.Симон (Франция) — 3320. 10.Вердаско (Испания) — 3185.

**Камол АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.**

## Жаҳон жавоҳирлари жавонидан

Куч — адолатда.

**Амир ТЕМУР.**

Адолат барча фазилатлар ичидаги энг олий фазилатдир.

**ЦИЦЕРОН.**

Адолат — ҳаёт учун нон сингари керакли озуқа.

**Людвиг БЕРНЕ.**

Фақат адолатнинггина умри бокийдир.

**Жузеппи ФЕРРАРИ.**

Сахий бўлиш жуда осон, қийини — адолатли бўлиш.

**Виктор ГЮГО.**

Адолат кучли, куч эса адолатли бўлмоғи лозим.

**Блез ПАСКАЛЬ.**

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда





# Салоҳиятли ёшлар — фахримиз

**уларнинг ютуқлари бизни доимо қувонтиради, — дейди Шаҳрисабз тиббиёт коллежи директори Тўра НАЗАРОВ**

Бугун Шаҳрисабз тиббиёт коллежида таҳсил олаётган йигит-қизлардан: "Мустақиллик сизга нима берди?", деб сўраб қолсангиз, улар ҳеч иккиланмай. "Яхши ўқиб, пухта ҳунар эгаллаш имкониятини берди", - дейишади.

Ёшларнинг бундай дадил эътирофига сабаб аслида қалбларимиз тўридан чуқур жой олган мустақилликнинг халқимизга берган улкан бахту саодатидир. Зеро, истиқлол ҳозирги кунда шу даражада кенг, теран ижтимоий маъно, моҳият касб этмоқда. Йиллар ўтгани сайин истиқлолнинг беқиёс аҳамияти кўз ўнгимизда янада яққол намоён бўлиб бормоқда. Иқтисодиётнинг қайси соҳасини олманг, рўй бераётган улкан ўзгаришлар халқимизнинг бунёдкорона меҳнати эвазига йилдан-йилга чирой очиб бораётган шаҳару қишлоқларимизнинг бетакрор қиёфасида кўзга ташланяпти. Озод юртимизнинг обод гўшасига айланган Шаҳрисабз тумани ҳам бундай ўзгаришлардан четда қолаётгани йўқ. Жумладан, таълим ислоҳотларини ўз фаолиятига кенг тадбиқ этаётган коллеж жамоаси ўрта бўғин тиббиёт ходимлари тайёрлашда қувончли натижаларга эришмоқда. Ишнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ пухта ташкил этилаётганлиги ўқувчилардаги илм сирларини чуқур эгаллаб, касб-ҳунар ўрганишга бўлган иштиёқни янада кучайтиряпти.



— Шундай ўқув даргоҳида ишлаётганимиздан фахрланамиз, — дейди коллеж директори Тўра Назаров. — Муҳтарам Юртбошимизнинг ёш авлодни камол топтиришга бўлган юксак эътибори биздан янада яхши ишлашни, кадрлар тайёрлаш сифатини изчил ошириб боришни талаб этмоқда. Шу эзгу мақсад йўлида куч-ғайратимизни аямаяпмиз. Ахир, салоҳиятли ёшлар — фахримиз. Уларнинг ютуқлари бизни доимо қувонтиради. Айниқса, Мафтуна Қудратованинг енгил атлетика, Азиза Мўминхўжаеванинг рассомчилик санъатидаги муваффақиятлари, Фарҳод Хуррамов, Ноила Ҳафизова, Феруза Насруллаева, Дилноза Соҳибова каби иқтидорли ўқувчиларимизнинг ўқишдаги фаолликлари кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Ўзимизни қўйинг, ҳатто қўшни туманларда бўлганимизда ўқув даргоҳимизни битирган мутахассисларнинг тиббиёт бирлашмаларидаги самарали фаолиятларини кўриб қувонамиз. Ўқитувчи-мураббийларимизнинг меҳнатлари зое кетмаганлиги қалбимизга фахр-ифтихор бағишлайди. Қолаверса, бугунги ўқувчиларимизнинг ҳам эртага улар каби етук мутахассис бўлиб етишишларини ўйлаганимизда, кўнглимиз янада равшан тортади.

Тўра Назаровнинг қувончлари бежиз эмас. Аслида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўзгаришлар ҳозирда ватанимиз тараққиёти, юртимиз истиқболига кенг йўл очмоқда.

Тиббиёт коллежида икки йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланаяпти. "Ҳамширалик иши", "Медицина профилактика иши" соҳаларида ўқувчи ёшлар ўрта бўғин мутахассислари бўлиб етишмоқдалар. Уларга 150 нафарга яқин ўқитувчи, устоз-мураббий пухта билим бермоқда.

Ўқув даргоҳида ўқувчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Тўртта бинодаги ўқув ва лаборатория хоналари, аудиториялар, компьютер синфлари замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Шаҳрисабз ва Китоб тумани марказий шифохоналарида, юқумли касалликлар ва болалар шифохоналарида амалий машғулотларни олиб бориш учун ҳозирланган хоналар, ўқув масканининг ўзидаги спорт иншоотлари ёшларнинг керакли билим ва малакага эга бўлишларида, жисмонан чиниқишларида асқотмоқда. Фан хоналари эса дарсларнинг мазмунига мос равишда жиҳозланганлиги билан эътиборни тортади. Қолаверса, улар амалий ва назарий машғулотлар ўтиш учун ҳам жуда қулай. Бундан ташқари, ошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси, суратхона, тикувчилик цехининг фаолиятидаң ҳам кўпчилик қониқиш ҳосил қилмоқда.

Бу йил коллежни 663 нафар ўқувчи битирди. 450 нафар йигит-қиз тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинди. Ҳозирда жамоа янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Алишер Мадатов, Арслон Узоқов, Дилшод Убайдуллаев, Исмоил Боймуродов, Муҳиддин Алиқулов, Равшан Худойқулов сингари тажрибали ўқитувчилар, соҳа фидойилари ёшлар камолоти учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда, 2000 нафар ўқувчининг яхши мутахассис бўлиб етишишига мустаҳкам замин ҳозирлашяпти.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ, "Адолат" мухбири.** t

## Департамент фаолияти

# Солиқни яширган барака топмайди

— Давронбой, тирикчилик ўлди-ку. Кечқурун ўтириш бор. Яна уйга майда-чуйда ҳам керак. Пулни нима қиламиз.

Дўстлик тумани Йўл хўжалиги таъмирлаш ва фойдаланиш пудрат давлат корхонаси раҳбари Шуҳрат Анорбоевнинг бу гапи бош ҳисобчига мойдек ёқиб тушди.

— Истаганингизни дарров "есть" қиламиз, — деди у юзига қон югуриб.

— Соткамнинг пули тугаб қолди, ҳатто янгангиз билан ҳам боғлана олмай ўтирибман. Уни ишхонанинг ҳисобидан тўлайдиган қилиб қўйсак бўлмадими?

— Бўлади. Бунинг ходимларга ҳам, ишхонага ҳам ҳеч қандай зарари тегмайди. Давлатга тўланадиган иш ҳақининг даромад солиғини камроқ кўрсатсак бўлди, "сотка"нгизга пул чиқади. Мени ҳам қуруқ қўймассиз. Укамнинг телефонига озгина пул ўтказиб турсак.

Шу зайлда анча вақт раҳбарнинг "сотка"си ҳам, бош ҳисобчи укасининг телефони ҳам уззу-кун тинимсиз ишлади. Икковлоннинг кайфияти анча чоғ бўлиб юрди. Аммо... Кўза кунда эмас, кунида синади, деганларидек бўлимимиз ходимлари томонидан ўтказилган текширишда икки уддабуроннинг кирдикорлари фош бўлди. Улар иш ҳақидан даромад солиқларини камайтириб кўрсатиш эвазига 1 миллион 382 минг сўм маблағни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган экан.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Корхона раҳбари Шуҳрат Анорбоев ва бош ҳисобчи Даврон Қудратов Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбланди. Суд қарори билан мансабдорлик, моддий жавобгарлик лавозимларида ишлашдан маҳрум этилди. Шу билан бирга, улардан давлатга етказилган зарар ҳам ундириб олинди.

**Алишер ТЎЙЧИЕВ,**
**Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Дўстлик тумани бўлими бошлиғи.**

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64

ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари, нашр учун масъул), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ.

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Навбатчи муҳаррир — Камол АЛЛАЁРОВ
Навбатчи — Фарҳод ЭСОНОВ

Нашр индекси 100

Саҳифаловчи-дастурчи — Собир ТУРДАЛИ ўғли

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г — 700. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3296. Босишга топшириш вақти — 18.30. Босишга топширилди — 18.00 1 2 4 5 6 7 8